O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 апрел сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 70 (2632)



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## О.О.Усмоновни Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ойбек Орифбекович Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 9 апрел.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 2001 йил 11 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2001 йил 9 апрел.*

* * *

**Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ҳамда 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида.
2. "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. "Мудофаа тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
4. "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
6. "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида.
9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
10. Бир қатор шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Шу билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.





# Буюк саркардага эҳтиром

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни қайта тиклаш, улуғ бобокалонларимиз руҳларини шод этиш, хотирасини абадийлаштириш имконияти яратилди.

Пойтахтимизнинг энг файзли ва кўркам гўшаларидан бири — Амир Темур хиёбони ҳар йили буюк бобокалонимиз таваллуд куни — 9 апрелда одамлар билан янада гавжум бўлади. Бу гал ҳам эрта тонгданоқ хиёбонга шаҳарликлар ва меҳмонлар, жамоатчилик вакиллари соҳибқирон ҳазратлари хотирасини ёдга олиш учун тўпланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов тадбирни очар экан, мамлакатимиз салоҳияти, қудрати ва ғурурининг ифодаси бўлмиш Амир Темур наинки элимизнинг, балки ер юзи халқларининг тарихида ўчмас из қолдирган ўлмас сиймо эканини алоҳида таъкидлади. Сабаби — бобомиз нафақат буюк ҳарбий салоҳиятда, балки беназир давлат арбоби сифатидаги барча мурод-мақсадларида бутун инсониятга тинчлик-осойишталик тилаганлигидадир. Амир Темур ҳазратлари ана шу йўлда пароканда давлатларни бирлаштирди, ул зотнинг даврида мамлакатимиз жаҳонда жуда катта довруғ қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов маросимда сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва ғояси билан соҳибқирон бобомиз хотираларини абадийлаштириш, фаолияти, башарият тарихидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур ўрганиб, маънавий меросидан халқимизни баҳраманд этиш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Чунончи, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга улуғвор ҳайкаллар ўрнатилди. Пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейи бунёд этилди. Давлатчиликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида "Амир Темур" ордени таъсис этилди. Соҳибқироннинг илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси тузилди. Бобомизнинг 660 йиллик таваллуди эса жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Тадбирда темурийшунос олим Турғун Файзиев, Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси раиси Бўрибой Аҳмедов, Тошкент Давлат юридик институти талабаси Дилдора Ҳайитова жаҳонгир бобомиз ўлмас меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўзлади.

Тантана иштирокчилари буюк соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

* * *

Шу куни минглаб юртдошларимиз Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, янги тарихий экспонатларни кўздан кечирдилар.

"Амир Темур — буюк давлат арбоби ва саркарда" мавзуидаги илмий-амалий анжуманда таниқли олимлар, тадқиқотчилар соҳибқироннинг ҳарбий салоҳияти ҳақида сўз юритишди. Анжуман ниҳоясида Ватанимизнинг турли бурчакларидан келган иқтидорли талабаларга жамғарма томонидан таъсис этилган Амир Темур номидаги стипендия топширилди. Бобомиз номи билан аталувчи хиёбонда эса "Қуролли кучларимиз — мустақиллик таянчи" мавзуида ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Соҳибқирон таваллудига бағишланган тантаналар юртимизнинг барча вилоятларида давом этмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар.**
**Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

# Металлурглар миннатдорлиги

"Ўзметкомбинат" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси металлпрокат, қурилишлар учун арматуралар, тоғ-кон ва тоғ-металлургия корхоналари учун эса тегирмон шарларни ўз вақтида етказиб бериб, жорий йилнинг биринчи чорагида самарали меҳнат қилди. Бекободда бўлиб ўтган Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг йиғилишида шу ҳақда сўз юритилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, республика комиссиясининг раиси И.Жўрабеков бошқарди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, ҳудудий бошқарув органлари, шунингдек, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланадиган бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Жорий йил бошидан буён бекободлик металлурглар бир неча ой мобайнида узлуксиз ишлашлари учун етарли миқдорда қора металл парчалари ва чиқиндилар етказиб берилгани, бинобарин, мамлакатимиз хўжалигининг бошқа кўплаб тармоқларининг барқарор ишлаши таъминлангани таъкидланди.

Республика комиссияси ўз мажбуриятларини бажараётган ташкилотларни моддий рағбатлантириш, етказиб берилаётган хомашё сифатига қараб ҳақ тўлашнинг илғор шаклларини жорий қилишни тавсия этди.

Металл хомашёсини тайёрлаш соҳасидаги умумий ҳолат эса қониқарли деб баҳоланди. Республика комиссияси йиғилиш иштирокчиларига қулай шарт-шароитлардан фойдаланиб, Ўзбекистон саноати учун қимматли хомашё етказиб бериш жадвалидан ўзиб кетишга эришишни тавсия этди.

**(ЎзА).**

# МУНОСИБЛАР САЙЛАНДИ

Янги аср мамлакатимиз ёшлари учун жуда хайрли бошланди. Уларнинг бошини қовуштириш, Ватан ва эл-юрт равнақи йўлидаги курашини қудратли бир оқимга бирлаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, йигит-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилаётган «Камолот» ижтимоий Ҳаракатини тузиш борасидаги ташаббус кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Буни Ҳаракатнинг Дастури ва Низоми лойиҳаларининг жойларда кенг ва батафсил муҳокама этилганидан ҳам билса бўлади.

Ўтган вақт мобайнида Ҳаракатнинг ташаббус гуруҳи аъзолари мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб, ёшлар билан дилдан суҳбатлашди. Уларнинг ўй-фикрлари, қизиқишлари, муаммолари билан танишди, тузилажак янги ташкилотга муносабатларини ўрганди. Айни чоғда, бу учрашувларда Ҳаракатнинг Дастури ва Низоми лойиҳалари ёшларимизни ҳам бефарқ қолдирмаётгани намоён бўлди. Ташаббус гуруҳининг бир неча ойлик қизғин ҳаракати бугун якунловчи босқичга кирди. Яқинда Ҳаракатнинг таъсис қурултойи бўлади. Ҳозир жойларда шу катта ижтимоий тадбирга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан Жиззах вилояти ёшларининг Ҳаракатнинг республика қурултойига делегатлар сайлашга бағишлаб ўтган йиғилиши ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унда кўплаб таклифлар айтилди, ёшларнинг турли қатламларидан вакиллар делегатликка номзод қилиб кўрсатилди. Улар орасида талабалар, спортчилар, олимлар, мактаб ўқувчилари, тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида меҳнат қилаётган ёшлар бор эди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг йиғилишда номзоди кўрсатилган энг муносиб йигит-қизлар «Камолот» ижтимоий Ҳаракатининг Республика қурултойига делегат этиб сайланди. Бундай йиғилишлар шу кунгача Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Андижон ва Хоразм вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

**(ЎзА).**

# Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси мажлиси

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ва уни тартибга солиш, шунингдек, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлашга доир қарорларининг ижро этилиши, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи ҳамда бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни мазкур комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи чорагида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилган даражадан анча юқори бўлди. Муомалага нақд пул чиқариш ҳажми кўзда тутилган даражадан анча паст бўлди.

Бундай ижобий кўрсаткичларга эришишда Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга қарши кураш бўйича Бош тезкор бошқармасининг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур бошқарма томонидан жойларда мониторинг ўрнатилгани, нақд пул тушумларининг тўлиқ банк кассаларига топширилишини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида ушбу давр учун белгиланган кўрсаткичлар муваффақиятли бажарилди.

Шунингдек, мажлисда кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида муомалага нақд пул чиқариш ҳажми кўзда тутилганидан анча паст бўлгани алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга республикамизнинг айрим шаҳар ва туманларида нақд пул муомаласини барқарорлаштиришга доир ишлар етарли даражада олиб борилмаётгани айтиб ўтилди.

Ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини бажариш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам тингланди. Уларга мазкур дастурда қўйилган вазифаларни оғишмай ижро этиш вазифаси топширилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижро этилиши бўйича ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Улар зиммасига жойларда иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ва бу борада умуман узилишларга йўл қўймаслик юзасидан зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

# Муҳаммадқодирнинг ғалабаси

**Машҳур ўзбек боксчиси, Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев АҚШда профессионал рингда ўзининг дастлабки тўрт раундли жангини ўтказди.**

**Унинг рақиби лас-вегаслик Мухан Вашингтон бу каби беллашувларда анча тажриба орттирган: у 24 та жангдан 15 тасида ғалаба қозонган. Бироқ унинг Муҳаммадқодир Абдуллаев билан ўтказган 25-жанги боксчимизнинг ғалабаси билан якунланди. Бу ғалаба боксчимизнинг профессионал спорт йўлидаги дастлабки қадами бўлди.**

**(ЎзА).**

# Мўъжизакор «митти»лар

***Шу йилнинг 16 февралида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида олдимизда турган бир қатор муаммолар қаторида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.***

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ушбу мажлисда сўзлаган нутқида хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес ривожи учун қулай шароит яратишни муҳим масалалардан бири, деб таъкидлади. Бу соҳада кўп ишлар қилинганлиги қайд этилиб, шу билан бирга, қатор мутасадди вазирликларга барча қонуний ва меъёрий ҳужжатларни, умуман бу борада ишлаб чиқилган ҳамма ҳужжатларни қайта ўрганиш, бугун самара бераётган тажрибаларни янада рағбатлантириш ва кенг ёйиш бўйича ҳукуматга таклиф киритиш вазифаси қўйилди.

Кичик ва ўрта бизнес ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосидир. Фақат ана шу хўжалик тузилмаларигина қисқа муддатларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, ўзгарувчан бозор конъюнктурасига мослашишга, меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлашга, истеъмол бозорини хилма-хил арзон товар ва хизматлар билан таъминлашга қодир. Йирик ишлаб чиқариш шароитида ҳосил бўладиган «ёриқлар»ни ва бўшлиқларни майда тадбиркорликдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса тўлдира олмайди.

Иқтисодиётнинг бу секторини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделининг таянчларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Нима учун? Жорий йилнинг бошида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Статистика департаменти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда мавжуд кичик ва ўрта корхоналар сони 183 мингдан ошиб кетди. Улар саноат, қурилиш, улгуржи савдо, фан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш объектларининг бошқа соҳаларида фаолият юргизмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида 43 минг фермер, юридик шахс мақомига эга бўлган кўплаб деҳқон хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Шундай қилиб, бугунги кунда ўрта ва кичик тадбиркорликнинг хўжалик юритувчи тузилмалари ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 30 фоиздан зиёдроғи тўғри келмоқда. Тўғри, уларнинг ҳаммаси моддий неъматлар ва хизматлар яратиш билан шуғулланмайди. Улар орасида тижорат-воситачилик фаолияти билан шуғулланадиганлари ҳам анчагина.

Қандай корхоналар кичик корхоналар, деб аталади? Бу ерда муҳим мезонлардан бири корхонада банд бўлган кишилар сонидир. Саноат тармоқларида 40 кишигача, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 10 кишигача ишчи ва ходимни бирлаштирган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини кичик корхоналар сирасига киритиш мумкин. Булардан ҳам камроқ ишчи ва хизматчиларни бирлаштирадиган корхоналарни эса микрофирмалар, деб аташ мақсадга мувофиқ. Бошқача қилиб айтганда кичик,

## Ислоҳотнинг устувор йўналишлари

ёки майда (микро) корхона — бу оила аъзолари ва яна 4-5 нафар ёлланган ишчи ва хизматчини бирлаштирган хўжалик юритувчи субъектдир. Одатда кичик корхоналарни мажозий маънода тиниб-тинчимас, меҳнаткаш чумолиларга, иқтисодий «гном» (Ғарбий Европа афсоналарига кўра, ер остидаги хазинани сақловчи бадбашара, серсоқол, митти одам)га ўхшатадилар.

Маълумот учун шуни қайд қилиш лозимки, ҳозир Европа ҳамкорлиги мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналарнинг сони 15,8 миллионта бўлиб, уларда 68 миллион киши иш билан банд. Улар барча банд бўлганларнинг 72 фоизини ташкил қилиб, ялпи ички маҳсулотнинг 65 фоизини бермоқда. АҚШда 19,3 миллион мўъжаз корхонада 70,2 миллион киши меҳнат қилмоқда. Улар барча банд бўлганларнинг 54 фоизини ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини яратмоқда. Япония иқтисодиётида 6,5 миллион «митти»лар 39,5 миллион кишини иш билан таъминлаб, барча банд бўлганларнинг 78 фоизини, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 55 фоизга яқинини ишлаб чиқармоқда. Бу мўъжиза эмасми, ахир. Постиндустриал тараққиёт «митти»ларни ютиб юбора олмади, аксинча, уларни тақозо этди.

80-йилларда Францияда янги иш жойларининг 90 фоиздан зиёдроғи 10 кишигача, АҚШда 88 фоизи 20 кишигача ишчини бирлаштирган корхоналар эди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, космик, электроника ва автомобиль саноатидан ташқари соҳаларда бандлик, янги иш жойларини яратиш, банкротлик, синиш ва тадбиркорлар сони бўйича кичик корхоналарга етадигани йўқ. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларини чулғаб олган молиявий тушкунлик ҳам Малайзия мисолида кичик ишлаб чиқаришга устуворликнинг афзаллигини кўрсатди.

Майда корхоналар кишилардаги соҳибкорлик, тадбиркорлик, мулкка эгалик қобилиятларини рўёбга чиқариш воситаларидан биридир. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш масаласига анча кенг қарамоқ керак. Ўрта мулкдорлар табақасини шакллантириш, аҳоли жулдурлашувининг олдини олиш ҳам худди ана шу йўлдан боришга боғлиқ.

Шуни эътиборга олиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда майда бизнесни ривожлантириш учун биринчи навбатда иқтисодий ва ҳуқуқий иқлим яратилди. Бу тизимни ривожлантириш бўйича қатор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган суғурта компаниялари, инжиниринг ва лизинг хизмати ташкилотлари тузилди. Мамлакатимизда кичик ва ўрта ишлаб чиқаришга кўмаклашадиган йирик нодавлат ташкилоти — республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидир. Қишлоқда майда ишлаб чиқарувчиларни Фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси бирлаштиради. Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси эса ички ва халқаро туризм бозорида туристик агентлик ва операторларни қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Аммо бу тадбирларнинг ўзи озлик қилади. Кичик бизнесни ривожлантириш учун яна бир қатор муаммоларни ҳал этиш лозим. Улардан бири макроиқтисодий вазият билан боғлиқ. Давлат — монополистик тизим баҳо ва даромадлар нисбатини қатъий ушлаб турадиган, ижтимоий чеклашлар, молиявий танқислик мавжуд шароитда майда бизнесни, умуман, тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида гапириш қийин, албатта. Бундай шароитда ҳеч қандай қонун ва қарор кичик бизнесни оёққа турғиза олмайди.

(Давоми 2-бетда).

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

# Мўъжизакор «митти»лар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик таъминланган. Солиқ кодексида кичик бизнесга имтиёзлар белгиланган. Субсидия ажратиш, давлат ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредитлар бериш тартиби ўрнатилган. Яратилган меъёрий-ҳуқуқий асос бу соҳага чет эл капиталини жалб этиш имкониятини беради. Тадбиркорлик, шу жумладан, кичик бизнес фаолиятини таъминлашга хизмат қиладиган бозор инфраструктураси яратилган. Бу соҳани қўллаб-қувватлайдиган давлат дастури ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим.

Яна бир муаммо — бу кичик бизнесни дастлабки капитал жамғармаси билан таъминлашдан иборатдир. Юртимизда ушбу муаммо учта йўналишда ечилиши кўзда тутилган. Биринчи йўналиш — бу шахсий жамғармалардир. Масалан, ўтган йили аҳолининг пул даромадлари 2373,4 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ундан олдинги йилга нисбатан 1,5 марта кўп демакдир. Бунинг устига, кейинги йилларда даромадларнинг харажатлардан устунроқ ўсиши кузатилмоқда. Товарлар харид қилгандан ва кўрсатилган хизматларга тўловлардан, мажбурий тўлов ва бадаллардан кейин аҳолининг омонатларда ва қимматбаҳо қоғозларда жамғармалари қолади. Тўғри, бу маблағлар катта тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун етарли бўлмаса-да, «митти» фирмаларни ташкил этиш ёки индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланишда қўл келади.

Иккинчи йўналиш — кредитлар таклиф этишдир. Бу йўналишда жиддий силжишлар мавжуд. Ихтисослашган «Бизнес-фонд», «Тадбиркорбанк», «Мадад» суғурта агентлиги кичик ва ўрта бизнесни молиявий озиқлантириш мақсадида ташкил этилган. 1996 йилда республикамизда ҳукумат кафолатига асосан, кичик хусусий тадбиркорликни ривожлантириш доирасида Европа Тараққиёт ва Тикланиш банкининг биринчи кредит линияси очилди.

Бунда бошқа чет эл молия институтлари ҳам кичик бизнес учун мақсадли кредитлар ажратишда қатнашмоқда. Бу кредит воситаларининг юқори технологик асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқаришнинг илғор тажрибасини жалб этишга мўлжалланганлигини айтиб ўтиш лозим.

Учинчи йўналиш — инвестициялардир. Ўзбекистонда бу борада Халқаро молия корпорацияси катта ишларни амалга оширмоқда. Мазкур нуфузли халқаро молия ташкилоти бир неча йил муқаддам Тошкентдаги «Файз» холдинг компанияси билан кредитлаш келишувини имзолади. Ушбу лойиҳа «Файз»га жиҳозларни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати ва дизайни устидан техника назоратини ўрнатиш йўли билан ҳозирги замон мебелларига талаб ва таклиф ўртасидаги узилишни тўлдириш имконини берди. Келишув доирасида корхона ходимлари чет элда ишлаб чиқариш ва бошқариш бўйича қайта тайёргарликдан ўтади. Шунингдек, корпорация «Файз» холдинг компанияси акцияларининг бир қисмини сотиб олиш ҳақидаги келишувни ҳам имзолаган.

Бир қатор Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, Россияда тўртинчи манба сифатида приватизация чеклари ҳам шу мақсадга хизмат қилиши назарда тутилган эди. Аммо бу манбани жиддий инвестиция ресурси, деб қабул қилиб бўлмайди...

Яна бир йирик муаммо — кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш билан боғлиқ. Бу муаммони ҳал этиш кичик бизнес ва давлат секторини бир хил рақобат шароити билан таъминлашга хизмат қиладиган инфраструктурани яратиш учун зарур. Ахборот камчилигини тўлдириш мақсадида маслаҳат-аудиторлик, ахборот хизмати кўрсатиш бўйича агентлик, чет эл инвестициялари бўйича агентлик ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика Координация кенгаши тузилди.

Биз кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш тўғрисида кўп гапирамиз. Бу борада олиб борилаётган ишларни бирма-бир санаймиз. Бу — тўғри. Энди бошланган ҳар бир иш ҳеч бўлмаса тетапоя бўлгунга қадар қўллаб-қувватланиши, рағбатлантирилиши лозим. Акс ҳолда, у ўз бешигида бўғилади. Шунинг учун ҳам кичик ишлаб чиқаришга ҳар қандай вазиятда ҳаракатчан давлат кўмаги зарур. Давлат ўз кўмагини тартибга солиб туриш (тартиблаштириш) механизми орқали амалга оширади. Тартибга солиш эса асосан икки турда бўлиши мумкин. Биринчиси — протекционизм (муҳофазачилик) унсурларини қўллаган ҳолда доимий тартибга солиб туриш ва иккинчиси — унча катта бўлмаган молиявий инъекцияларни қўллаган ҳолда сезилар-сезилмас даражада тартибга солиб туриш.

Ўзбекистонда 90-йилларнинг бошидан кичик бизнесни ривожлантириш учта асосий йўналиш орқали олиб борилди:

— хусусийлаштириш, яъни давлат ихтиёридаги мулкни хусусий секторга ўтказиш йўли билан кичик корхоналарни ташкил этиш. Бу тадбир чакана савдо, маиший ва пуллик хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш соҳаларида анча қўл келди. Шунинг учун ҳам республикамиздаги кичик корхоналарнинг деярли ярми ана шу соҳаларнинг ҳиссасига тўғри келади. Чунки бу соҳаларда тадбиркорликни унча катта бўлмаган маблағлар ҳисобига ҳам амалга ошириш мумкин;

— кичик корхоналарни янгидан шакллантириш. Гап шундаки, фақат савдо-воситачилик фаолияти билан чекланиш бир томонлама йўналишга, ишлаб чиқаришдаги капиталларнинг ноишлаб чиқариш соҳаларига оқиб кетишига олиб келиши мумкин;

— кичик корхоналарни йирик тузилмалардан ажратиш орқали монополиядан чиқариш. Ушбу йўналиш турар жой-коммунал хўжалигида анча қўл келади. Бу ерда кичик бизнес аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича йирик ташкилотлар билан рақобат қилиши мумкин.

Амалга оширилган ана шу улкан тадбирларга қарамасдан, Ўзбекистонда, табиийки кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ҳамон мавжуд.

Мақсад-вазифалар аниқ белгиланганига, меъёрий-ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий асослар яратилганига қарамай, бу борадаги муаммо ва камчиликларни четлаб ўтишнинг иложи бўлмаяпти. Тўғри, ривожланган мамлакатларда ҳам кичик бизнеснинг катта муаммолари бор. Аммо алоҳида мамлакатларда эса бу тадбирнинг салбий натижаларга олиб келадиган ўз хусусиятлари ҳам мавжуд. Масалан, ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашиши туфайли уларнинг ресурсларини турли хил тадбирларни ўтказишга жалб қилиш ҳоллари учрамоқда. Уларга чек қўйиш учун эса ҳамма жойда бир хил шароит яратилмаган. Натижада кўпгина кичик корхоналар рўйхатдан ўтган-у, лекин вақтинча фаолият кўрсатмасдан турибди.

Умуман, кичик бизнес ривожланишига акс таъсир кўрсатадиган омилларни икки — ташқи ва ички қисмга гуруҳлаштириш мумкин. Биринчи омилга кўпчилик маҳаллий органларнинг «митти»ларни рўйхатга олиш ва уларга тегишли ёрдам кўрсатишга совуққонлик билан муносабатда бўлаётганлигини киритиш мумкин. Натижада кичик корхоналар рўйхатдан ўтишдан бошлаб то ўз бизнес даромадига эга бўлгунга қадар қатор бюрократик тўсиқларга дуч келади. Уларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиш ҳоллари ҳам учрайди.

Иккинчи омил сифатида корхона ичида вужудга келаётган муаммоларни кўрсатиш мумкин. Кўпчилик кичик корхоналар ажратилган кредитдан мақсадли фойдаланишни, бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда паст.

Шунингдек, кичик корхоналарни ташкил этишда ноишлаб чиқариш томонга, айниқса, савдо-тайёрлов ва улгуржи-воситачилик томонга берилиб кетиш кўзга ташланади. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тизимида бу йўналишдаги корхоналар 60 фоиздан зиёдроқни ташкил этади. Айниқса, уларнинг сони Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида юқоридир.

Фикримизча, келгусида моддий ишлаб чиқариш, жумладан, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларида «митти» корхоналарнинг сони янада ошиши лозим. Ўрта ва йирик ҳамда гигант ишлаб чиқариш объектлари нафақат ўзларида қолдиқ, яъни чиқинди маҳсулотлардан товар ишлаб чиқарувчи мўъжаз корхоналарни қуриши, балки молиявий кўмак бериш йўли билан бошқа жойларда, айниқса, қишлоқда уларнинг кўпайишини рағбатлантириши зарур.

**Нурислом ТЎХЛИЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори,**
**профессор.**

## Лойиҳа дастури — амалда

Соғлиқни сақлаш вазирлигида мамлакатимизда Европа Иттифоқининг "Тасис" дастури доирасида амалга оширилган "Ўзбекистон Республикасида профилактик соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш" лойиҳасининг якунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

1999 йил март ойидан 2001 йилнинг мартига қадар Фарғона ҳамда Навоий вилоятларида амалга оширилган мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимизда профилактик соғлиқни сақлаш, жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, фуқароларнинг санитария қоидалари тўғрисидаги билимини ошириш, экологик вазиятни яхшилаш ҳамда соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида юқоридаги икки вилоят аҳолисининг соғлиғи қай аҳволда экани ўрганиб чиқилди. Юрак хасталиклари ҳамда жинсий йўл билан юқувчи касалликлар, хусусан, ОИТС, В ва С гепатити ҳамда гиёҳвандликка чалиниш билан боғлиқ ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Касалликларнинг олдини олиш ҳамда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш усулларига қаратилган қатор учрашувлар, ўқув семинарлари ўтказилди.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистонда Саломатлик институтини ташкил қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар ҳамкорлигида бўлажак институтнинг мақсад ва вазифалари, ташкилий тузилиши ҳамда мақоми ишлаб чиқилди. Бу режа 2001 йилнинг март ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Режага кўра, Саломатлик институти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муассасаси сифатида фаолият юритади. Ўзбекистонда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш борасида дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Анжуманда сўзга чиққанлар "Тасис" дастури мамлакатимизда кўплаб йўналишлар бўйича самарали фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлаб, келажакда ўзаро ҳамкорлик янада ривожланишига умид билдирдилар.

**(ЎзА).**

**Иқтисодий ислоҳотлар самараси**



Солижон Маҳмудов раислик қила бошлаганида, Зангиота туманидаги «Мустақиллик» ширкат хўжалиги томоғигача қарзга ботганди. Шунинг учун унинг банкдаги ҳисоб рақами аллақачон ёпиб қўйилганди. Йиллаб иш ҳақи олмагани боис одамларнинг меҳнатдан кўнгли совиганди.

— Хўш, нима қилмоқ керак? — дўппини олиб қўйиб, ўйлади янги раис. — Ишни нимадан бошласак, ёруғ кунлар тезроқ келади? «Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин», деб бежиз айтишмаган, ахир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин меҳнат қиламан, даромад топаман, деган кишига катта имкониятлар эшиги очилди. Шундай бир шароитда қарзга ботиб ўтириш тўғри

# ИМКОНИЯТ ЭШИГИ

## уни ишнинг кўзини билганлар очади

бўлармикан?! Ота-боболаримизнинг қорнини тўқ, устини бут қилган ҳам шу саховатли еримиз эмасми?! Демак, энг аввало, одамларни меҳнатга қайтариш зарур.

Хўжалик меҳнаткашлари шу ерда туғилиб ўсган, юртим деб, элим деб куйиб-пишадиган Солижон акага ишонишди. Раис ўртага ташлаган ташаббусларни қўллаб-қувватлашди. Улар бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик билан ишга киришдилар. Бунинг самараси тезда кўзга ташланди: 1993 йил якунида 87 миллион сўм қарз бўлган хўжалик 1994 йилда мавжуд қарзларини узди.

— Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, — эслайди С.Маҳмудов. — «Ғалла, сабзавот, картошка, қулупнайдек сердаромад экинлар экадиган хўжалик қандай қилиб зарарга ишлаши мумкин», деган саволга жавоб топиш учун, даставвал, қарздорликни келтириб чиқарган сабабларни ўргандик. Хўжасизлик туфайли табиий газ, ичимлик суви, электр энергиясига ҳар йили миллионлаб сўмдан зиёд маблағ сарфланар экан. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас», деганларидек, ортиқча харажатларга чек қўйдик. Ҳар бир сўм қатъий назоратга олинди. Бундан ташқари, ёрдамчи хўжаликларимизнинг фаолиятидан тушган маблағлар ҳисобига ҳайдов тракторларининг бир қисмини янгилаганимиз ҳам ишимизда ижобий ўзгариш ясади. Натижада 1995 йилга келиб, хўжалик оёққа туриб олди. Қолоқликдан чиқишнинг яна бир омили борки, бу ҳақда алоҳида тўхталмоқ жоиз. Маълумки, республикамизда юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилот ёки муассасанинг хорижий шериклар билан бевосита ҳамкорлик қила олиши қонун билан кафолатланган. Бу имкониятдан хўжалик мутасаддилари ҳам самарали фойдаландилар. Етиштирилган сабзавотни хориж давлатларига ҳам сотиш йўлга қўйилди. Жамоа билан корхона ва ташкилотлар ўртасидаги олди-бердилар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан пишиқ-пухта ташкил этилди.

Бултур хўжалик бўйича 210 гектар ерга ғалла, 8 гектар ерга сабзавот, 25 гектар майдонга картошка ва 25 гектар ерга қулупнай экилганди. Буғдой ҳосилдорлиги суғориладиган ерларда 40,6 центнерга етган бўлса, сабзавотчиликда бу кўрсаткич 330 центнердан ошди. Картошка ва қулупнай ҳосили ҳам мўлжалдагидан зиёд бўлди. Пировардида якунда 28 миллион 371 минг сўм, 1999 йилга нисбатан эса 14 миллион 155 минг сўм кўп соф фойда кўрилди.

Хўжаликда, тўғриси, анча йиллардан бери картошка экилади. Бироқ унинг фойдасидан кўра зарари кўп бўларди. Голландиядан "Пикассо" ва "Кандор" каби янги навлар олиб келингач, бу борадаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топди. Илгари гектар ҳосилдорлиги 20 тоннадан ошмаган бўлса, голланд картошкаси уруғи экилган пайкалларнинг ҳар гектаридан 30 тоннагача сифатли маҳсулот йиғиштириб олинди.

Янги нав картошканинг серҳосиллигини исботловчи яна бир далил: 1997 йили хўжалик аъзолари 40 гектар майдонга карам кўчати ўтказишганди. Пешона тери эвазига юқори ҳосил ҳам олинди. Устига-устак, бари ҳам сотилмасдан қолиб кетди. Натижада 20 миллион сўм фойда ўрнига шунча миқдорда зарар кўрилди. Шу боис бизнес-режага кўра, ўша ерга кечки голланд картошкаси экилди. Самара қанақа бўлди денг? Нафақат фойданинг чўғи баракали бўлибгина қолмасдан, ҳатто 20 миллион сўм зарар ҳам қопланди.

— Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, — дейди Солижон Маҳмудов. — Буни хўжалигимиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. 2000 йилда жамоа хўжалигимиз ширкат хўжалигига айлантирилди. Бугун пудратчиларнинг бирортаси имзо учун раис ёки бош ҳосилотни кутиб ўтирмайди.



Қўлида чеки бор, нима керак бўлса, омбордан олиб кетаверади. Чек тизимининг афзаллиги шундаки, молиявий харажатни ҳар икки томон — хўжалик ва пудратчи назорат қилиб боради.

"Мустақиллик" ширкат хўжалигида 15 минг нафардан кўпроқ аҳоли яшайди. Пойтахт яқин бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилиги шу ерда ишлайди. Пудрат асосида ноз-неъмат етиштиради. Ер уларни боқмоқда. Шартномадан ортиқча ҳосилни таннарх ҳисобида олишларидан ташқари, ойига 20-22 минг сўм иш ҳақи ҳам қўлларига тегади. Эътиборлиси, пудратчилар минерал ўғит ўрнига маҳаллий ўғитдан фойдаланишни афзал билишади. Уларнинг ҳисоб-китобича, минерал ўғитни меъёридан ортиқ ишлатиш ернинг таркибий тузилишига таъсир кўрсатиш билан бирга, қимматга ҳам тушади. Дейлик, унинг бир тоннасига 25 минг сўм маблағ сарфланса, гўнгнинг 5 тоннаси учун атиги 5 минг сўм кифоя. Аммо бу хўжаликнинг минерал ўғитлардан бутунлай воз кечганидан далолат бермайди.

— Аммофосдан белгиланган миқдорда фойдаланиш ўринлидир, — дейди раис. — У кўчатнинг тезроқ ривожланиши, ҳосили баракали бўлишига ёрдам беради. Фақат бунинг орқасидан қувиб, ерни чарчатиб қўймаслик керак. «Бисёр бўлса агар бол ҳам бекадр», дейишади-ку. Биласизми, бизнинг шароитда баъзи жойларда бир гектар майдонда етиштирилган ҳосилни ўн сўтих ердан олиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ўша бир қарич ернинг қудратини ҳис қила билишни, ишнинг кўзини билган ҳолда, унга меҳр билан ёндошиш талаб этилади. Кўпни кўрган қарияларимизнинг "Бир қарич ер ҳаммамизни боқади", дейишларининг боиси шунда.

«Даромадга яраша буромад» деганларидек, айни чоғда ширкат раҳбарлари қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. 26-мактаб биноси жамоа маблағи ҳисобидан таъмирланганн, ночор оилалар ғамхўрлик билан қуршаб олингани, хўжаликнинг моддий мадади туфайли тўрт нафар талабанинг шартнома асосида олий ўқув юртларида ўқишаётгани фикримиз далилидир.

— Кўнглим сезяпти, бу йил ҳам мўл ҳосил кўтарамиз, — деди Солижон Маҳмудов ғаллазордаги дуркун майсаларга тикиларкан. — Демак, ризқ-насибамиз ҳам бутун бўлади...

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**В. ПОРТНОВ**
**олган суратлар.**

**Анжуман**

# «Пахта банк» ҳисоб берди

Яқинда Банклар ассоциациясида республикамизнинг йирик универсал банкларидан бири акциядорлик тижорат «Пахта банк» акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Айни пайтда 56 мингдан ортиқ акциядорларга эга бўлган молиявий муассасанинг 13 вилоят бошқармаси, 183 бўлим ва 60 дан зиёд мини банклари мулкчилик шаклининг турли кўринишидаги 210 мингга яқин мижозларга юқори савиядаги замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Мажлисда мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигини тараққий топтиришда етакчи ўринни эгаллаган ушбу банкнинг ўтган йилдаги фаолияти якунлари муҳокама қилиниб стратегик ривожланиш дастурлари ва режалар бажарилганлиги қайд этилди ҳамда банкни жорий йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўтган йилда банкнинг капитал базасини мустаҳкамлаш, акциядорлар ва аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни кўпайтириш, мижозларининг ҳақиқий ҳамкори сифатида фаолият юритиш борасида саъй-ҳаракатлари акциядорлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Тадбиркорларга банкнинг ўз маблағлари, шу жумладан, банк фойдасининг 25 фоизи ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 7,5 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Натижада жойларда 10 мингдан ортиқ янги иш жойлари барпо этилиб, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи ортганлиги қайд этилди.

Германиянинг КфВ, ДГ, Хиповерейнс банклари, Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки билан тузилган шартномалар асосида 30 миллион АҚШ доллари ҳамда 34 миллион евро миқдорида чет эл сармоялари жалб этилди.

Банк ўз тарихида илк маротаба нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — Томсон Файненшэл БэнкВотч компанияси томонидан халқаро рейтинг билан тақдирланиб, муносиб равишда IC-C/D ҳамда LC-2 рейтинг кўрсаткичлари билан баҳоланди. Бу иккила кўрсаткич — (IC-C/D) банкнинг асосий маблағлари ва фоизларини ўз вақтида қайтариш қобилияти ҳамда (LC-2) банк активларининг сифати юқори, барқарор балансга эга бўлганини тасдиқловчи баҳодир. Йиғилишда ўтган йилнинг 3-4 ноябр кунлари «Пахта банк» ташаббуси билан Тошкентда КИКА Бош Ассамблеясининг ўттизинчи йиғилиши ўтказилганлиги катта воқеалардан бири бўлгани таъкидланди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қонунбузар

## хусусий фирма ишига асоссиз

***Бугунги кун тадбиркори кечагисидан кескин фарқ қилади. Сабаби кўп: энди ишбилармон ўз саъй-ҳаракати, фаолияти адолатли қонунларимиз билан кафолатланганлигини яхши билади. Қонунга суяниб ишлайди, яшайди. Шу туфайлиям юртимизда тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда.***

***Ҳозир тадбиркорнинг иқтисодий эркинлиги ва ташаббускорлигини чеклаш эҳтимоли бўлган қатор меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқиляпти. Бунинг замирида тадбиркорлик олдидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш ётади.***

***Ишбилармонлар фаолиятига қонунга зид равишда аралашиш барҳам топмоқда. Шу мақсадда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» жорий этилди. Бу айрим мансабдор шахсларнинг қонунсиз ҳаракатларига чек қўйди.***

***Бироқ тадбиркорлик қўллаб-қувватланиб, қонунларимиз билан ҳимояланаётганига қарамай, текширув идораларининг баъзи раҳбарлари қонунбузарликни давом эттирмоқдалар.***

Қашқадарё вилоят хўжалик судига «Чори-С» хусусий фирмасидан даъво аризаси тушди. Унда ёзилишича, фирмага тегишли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан текширилган. Ходимлар ноқонуний жазоланган. Фирма суддан ушбу текширув ҳужжатларини кўриб чиқиб, ғайриқонуний, деб топишини сўради. Низо вилоят хўжалиқ суди томонидан тарафлар вакиллари, гувоҳлар ва бошқа масъул шахслар иштирокида, белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Унда аниқланишича, вилоят солиқ бошқармасининг 2000 йил 25 декабр 882-ХС-сонли буйруғи асосида солиқчилар ушбу фирмага қарашли АЕҚШларда назорат-касса аппаратларининг ишлаши бўйича текширув ўтказишади. Аппарат ишламаётганлиги тўғрисида далолатнома тузилиб, фирмадан 245000 сўм жарима ундирилади. Фирма ходими Ж. Ражабов устидан жиноий иш қўзғатилади.

Айтиш лозимки, «Чори-С» хусусий фирмасини текширишдаги айрим ҳолларда ҳақиқатан ҳам қонун талаблари бузилган. Натижада тадбиркорнинг ҳуқуқлари топталган. Унга зиён етказилган. Жумладан, солиқ идораси томонидан 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тўғрисида»ги Қонуннинг қатор талабларига риоя қилинмаган. Мазкур қонуннинг 3- ва 4-моддаларида давлат назорати тушунчаси ва турлари, 5-моддасида эса унинг асосий тамойиллари кўрсатилган. Унга кўра, давлат назорати органлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширганда қонунийлик, холислик, ошкораликка амал қилиб, юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини албатта ҳимоя қилишлари керак. Лекин, ушбу текширувда ошкоралик тамойили бузилган. Солиқ идораси ходимлари фирма раҳбариятини хабардор қилмай, унга бу ҳақда тегишли ҳужжатларни тақдим этмай ва назоратни рўйхатга олиш китобига қайд қилмасдан текширув ўтказганлар. Бу билан хусусий мулк эгасини ушбу қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилганлар. Устига устак, текширувчилар мазкур қонуннинг 17-моддаси талабига кўра, текшириш якунлари тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа зарур ҳужжатларни фирмага беришмаган.

Бундан ташқари, фирмага жарима солиш ва унинг ходими Ж. Ражабов устидан жиноий иш қўзғатиш учун асосий далилий ашё ҳисобланадиган далолатномани расмийлаштиришда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, унда далолатнома тузилган жой ва вақт (соат) кўрсатилмаган. Холис гувоҳ Ш. Хидиров далолатноманинг асосий қисми, яъни касса ҳисоблаш машинасининг ишламаслигини тасдиқлайдиган қисмини эмас, унинг охирини имзолаган. Фирма вакили ҳам уни имзоламасдан ўша куни ушбу аппарат ишлаётганлиги тўғрисида тушунтириш хати ёзиб бериш билан кифояланган.

